

## ШОИРА МУАЗЗАМХОННИНГ ТАСАВВУФИЙ РУҲДАГИ ҒАЗАЛЛАРИ

Насиба Сайдалиева Фарҳодовна

филология фанлари номзоди

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти академик лицейи

(Ўзбекистон Республикаси )

e-mail: [nasibasaydalievafarxodovnaa@gmail.com](mailto:nasibasaydalievafarxodovnaa@gmail.com)

Моб.: 995432270

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10356257>

**Аннотация.** Мақолада XIX асрда яшаб ижод этган шоира Муаззамхон ижодида тасаввуфий руҳдаги ғазаллари ҳақида гап боради. Шоиранинг айрим ғазаллари бадий таҳлил қилинган. Муаззамхон яратган лирик қаҳрамон кечинмалари, қарашлари бугунги давр нуқтаи назаридан ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Тасаввуф, ғазал, илоҳийлик, муридлик, муришидлик, панд-насиҳат.

### POET MUAZZAMKhan'S GAZALS IN MYSTICAL SPIRIT

**Abstract.** The article talks about the ghazals of the poetess Muazzam Khan, who lived and worked in the 19th century, in a mystical spirit. Some of the poet's ghazals have been artistically analyzed. The experiences and views of the lyrical hero created by Muazzamkhan are studied from the point of view of today's era.

**Key words:** Sufism, ghazal, divinity, muridism, murshidism, advice.

### ГАЗАЛЫ ПОЭТА МУАЗЗАМХАНА В МИСТИЧЕСКОМ ДУХЕ

**Аннотация.** В статье рассказывается о газелях поэта Муаззам-хана, жившего и творившего в XIX веке, в мистическом духе. Некоторые газели поэта подверглись художественному анализу. Переживания и взгляды лирического героя, созданные Муаззамханом, изучаются с точки зрения сегодняшней эпохи.

**Ключевые слова:** суфизм, газель, божественность, мюридизм, муришидизм, советы.

Маълумки, Шарқ мумтоз адабиёти тарихида шоирлар бадий мероси алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, ўзбек шоирлари ҳам тараққийтимизнинг турли даврларида адабиётимиз ривожига ўз хиссаларини кўшиб келганлар. Манбаларда Робиа Балхий (X аср), Ойша Самарқандий (XI аср), Муниса Маҳастий ва Райҳона (XII аср), Мутриба Қошғарий (XIII аср), хоразмлик Подшо Хотун (XIV аср), Мехрий, Ниҳоний, Иффатий, Жамила, Гавҳарбегим, Дилшод Хотун (XV аср), Нуржаҳон, Жаҳоноро, Салима (XVII аср) каби шоирлар яшаб ижод этганлиги қайд этилади.

XVIII – XIX аср ҳамда XX аср бошларида ҳам ўзбек адабиёти кўплаб иқтидорли шоирлар яратган асарлар ҳисобига бойиди. Бу даврда Самарбону, Жаҳон отин Увайсий, Моҳларойим Нодира, Маҳзуна, Дилшоди Барно, Анбар отин, Муаззамхон каби истеъдодли шоирлар ижод қилдилар.

“Ўзбек шоирларининг ижодиёти ҳақида сўз борар экан, - деб ёзади шу мавзунинг йирик тадқиқотчиларидан бири М.Қодирова, - латиф бир шеърят кўз олдимизга келади. Лекин уларда, ўз навбатида, журъат ҳам барқ уриб туради. Улар инсоннинг, жумладан, хотин-қизларнинг бахтли тақдири орзусида баъзан дард ва нола билан, баъзан эса, очикдан-очик исёнкорона овоз билан майдонга чиқадилар. Аёлларни таҳқирловчи қонун-қоидалар,

урф-одатлар сатирага олинади. Шоиралар мўътабар она - аёлни эъзозлай олмаган замонадан зорландилар. Улар бахтли ҳаёт туйғуларини, яхши кунлар орзусини ранг-баранг бадий образлар воситасида куйладилар, яхши кунлар келишига умид боғладилар”. Шундай ижод соҳибаларидан бири XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида яшаб ижод этган шоира Муаззамхондир.

Шоира Муаззамхон ўсган муҳит, у олган тарбия тизими унинг онгида тасаввуфий қарашларга мойиллик уйғотган эди. Шу сабабли унинг шеъриятида ҳам бундай руҳнинг устуворлиги сезилади. Муаззамхон ижоди бўйича амалга оширилган тадқиқотларнинг аксарияти шўро мафкураси таъсирида бўлган. Бинобарин, бу тадқиқотларда Муаззамхоннинг исломий қарашларидан, тасаввуфий фикрларидан муайян даражада кўз юмилган ёки реал ҳаётга мослаштирилиб, талқин этилган. Истиклол мафкураси адабий меросимизга ҳолисона назар солиш имконини бердики, бу Муаззамхон ижодига янги ҳаёт ёндашишни тақозо этади.

Диний-тасаввуфий қарашлар кишиларни ахлоқий-руҳий жиҳатдан комил қилиб тарбиялашга хизмат этиши маълум. Кейинги йилларда Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр сингари тасаввуфий адабиётнинг таниқли вакиллари ижодини ўрганишга бўлган эътибор ошганлиги, уларнинг асарлари қайта-қайта нашр этилаётганлиги тасаввуф адабиёти вакилларига муносабат ижобий томонга ўзгараётганлигидан нишонадир.

Муаззамхоннинг бу руҳдаги ғазаллари ҳамд характерида бўлиб, улар замирида Оллоҳга ишқ-муҳаббат, Уни улуғлаш ғоялари ётади. Шоира лирик қаҳрамони ўз гуноҳлари учун Оллоҳдан кечирим сўрайди, Ундан тўғри йўлга бошлашини, ғафлатдан уйғотишини илтижо қилади:

Сахарлар уйғонибон кумридек қилсам наво, ёху,  
Сани минг бир отингни зикр этиб қилсам адо, ёху.  
Мани ғафлатдин уйғотгил, ўзинг ўнг йўлни кўрсатгин,  
Кечибор мо-сиво-л-лоҳдин сани айлай паноҳ, ёху.

Муаззамхон шеъриятида тўлалигича тасаввуфий ғояларни тарғиб этувчи ғазаллар ҳам мавжуд. Уларда Яратувчининг кудрати, санъати ва мўъжизакорлиги тараннум этилади. Шоира Оллоҳнинг “ҳеч ким ва ҳеч нарсага ўхшамаган ҳусн”ини тавсиф ва таъриф этади:

Мусҳафи рухсоринг узра ояти тоат ўқиб  
Ошиқи содиқлара тавсирин ифшо айласам.

Муаззамхоннинг бу руҳдаги ғазалларида ошиқнинг илоҳий висолига интилиши, муридлик ва муридлик муносабатлари, фақру фанолик, ошиқни камолотга етказадиган турли воситалар, сўфиёна ахлоқ тўғрисида фикр юритилади

Дуди исёндин қаро бўлган кўнгилни сайқали,  
Бир назар бирла мусаффо айлагил парвардигор.  
Чехраи журмимни ёпғил пардаи исмат билан,  
Рўзи маҳшар қилмағил золу залилу шармсор.

Мазкур байтлар инсон ўзини ва Оллоҳни таниши лозимлиги ифодаланганлиги билан эътиборни тортади. Унда ҳаётда яшаб, гуноҳга ботган банданинг тазарруси, ўз хатосини англаб етиши анъанавий тасвир ва образлар орқали берилади. Шайтон образи ва унинг

инсонни Оллоҳ йўлидан қайтариб, ёмонликка бошлаши Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр каби адабиётимиз тарихидаги кўплаб шоирлар ижодида қаламга олинган. Жумладан, Муаззамхон ижодида ҳам шайтоннинг макру ҳийласини фош этиш етакчи мавзулардан ҳисобланади:

Рохату кибру ҳаводур барча шайтон лашкари,  
Тиғи истиғфор олибон гардани шайтонни чоп.

Шоира инсон ҳаромга қўл уришининг боисини шайтоннинг сўзига киришидан деб тушунади. Кимки шайтоннинг сўзига кирса, у қиёматда шайтон билан бирга жазоланишидан огоҳ этади. Шайтон йўлига кирмоқ Оллоҳни унутмоқдир. И.Ҳаққул бир мақоласида шайтоний ҳислатлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтади: нафс, тамаъ, адоват, зебу зийнат ва ортиқча ҳашамдорликни севмак, фақирликдан кўркмоқ, шуҳратпарастлик, юлғичлик, хушомад ва бошқалар. Муаззамхоннинг юқоридаги сатрлари ана шундай нафсоний иллатлардан фориғ бўлишга даъват этади ва ўқувчини чуқур мушоҳада қилишга ундайди.

Дунёнинг бебақолиги, умрнинг югуриклиги инсонни эзгу амаллар бажариб қолишига имкон бера олармикан? Шоира фикрича, инсон нафс, кибр дунёсидан ўзини тия олиб охират фикрини ёдида тутса, савоб ишларга қўл ура олади.

Муаззамхоннинг илоҳий ишқ мадҳ этилган ғазалларида “най”, “дев”, “мусулмон”, “бемор”, “гул”, “ёр”, “жон”, “муршид”, “сабо”, “дўст”, “май”, “азозил лашкари”, “ит”, “ғунча”, “қаландар” каби анъанавий образлардан унумли фойдаланилган:

Гар мусулмонзода бўлсанг журм ишидин қил ҳазар,  
Фисқу исёнингга шоҳиддур самодин то самак.

Муаззамхоннинг ғазалларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, шоира яратган лирик қаҳрамон ўз даврининг имонли, эътиқодли, Оллоҳ йўлида яхши хулқи ва амали билан ўзидан из қолдиришга ҳаракат қилувчи кишидир. Унинг шеърларидаги ғоя тарғибот кучига кўра Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр ижодидаги анъанавий тасвирларга яқин туради.

Муаззамхоннинг янги топилган ғазаллари, бизнингча, умрининг сўнгги йилларида ёзилган. Чунки уларнинг аксариятида тасаввуфий руҳ панд-насихат руҳи билан уйғунлашади, бу Муаззамхон шеърлятининг ўзига хос бир жиҳатини ҳам белгилайди:

Ёшим саксонга етди, нафси сак асло қаримабдур,  
Қаерда нопок лукма бўлса, анга интилди.

Муаззамхоннинг “Албатта-албатта” радифли ғазали қуйидаги сатрлар билан бошланади:

Ўқинглар бу насихатни мудом, албатта-албатта,  
Худони ёд этинглар субҳу шом, албатта-албатта.

Одатда, насихатомуз асарлар ижодкор маълум ёшга етганда ёзилади. Чунки узок йиллик ҳаётий тажрибалар, сабоқлар, ҳаётий синовлар шундай руҳдаги асарларнинг яратилиши учун замин ҳозирлайди.

Муаззамхон ғазал давомида насихат тарзидаги фикрларини босқичма-босқич ривожлантиради. Имон олдида пок бўлмоқ, тоатга машғуллик, қаноатли ва сабр-тоқатли бўлмоқ, Оллоҳ карамидан умидворлик каби Шарқ шеърлятида такрор-такрор ишлатилган,

сайқал берилган хусусиятлар “Албатта-албатта” радибли ғазалда ўзига хос тарзда ифодаланади. Ана шу хусусиятларга қарама-қарши кутбда жойлашган “ҳирсу ҳаросат”, “нафси саркаш”, “дунё ишрати” кабилар шоиранинг ҳаётий ва ижодий тажрибаларидан келиб чиқиб қораланади.

Шоҳи Олий бўлай десанг, қиёмат кун сен ўзинга,  
Бу дунё ишратин қилғил ҳаром, албатта-албатта.

Ғазалнинг мақъаи ҳам юқоридаги мазмунга мос равишда поэтик якунига етади, яъни насихат “ҳукм-хулоса”да ўз аксини топади:

Муаззам ўтди дунёдин ҳамиша беҳабарликда,  
Анингдек бўлмангиз, сизга салом, албатта-албатта.

Муаззамхон ўзининг “беҳабарлиғ”ини ҳеч кимга раво кўрмайди. Бу “беҳабарлиғ” унинг бутун ҳаёт йўлини ўзида мужассамлаштирган тимсол даражасига кўтарилади ва бошқа ғазалларида янги-янги қирралари билан намоён бўлаверади.

Эй кўнгил, йиғлаб худога тавба қилғонинг қани,  
Журм ишдан еб надомат чашми гирёнинг қани? -

Юқоридаги ғазалда кўрганимиздек, бунда ҳам шоиранинг қалб кечинмалари панд-насихат оҳанглирида баён этилади. Юқорида кўриб ўтилган ғазалдан фарқли ўлароқ бу асарда энди шоира ўз-ўзига мурожаат қилади, қалб туйғуларини аёвсиз танқид қилади.

Дасти холи куч қўясан ушбу фоний дунёдин,  
Бир амал ҳосил қилиб илкинга илғонинг қани?

Шоира фикрини бош масалага - инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятига қаратади. Унингча, умрнинг мазмуни бу ҳаётдан кетар чоғда эзгу аъмоллар қолдиришдадир.

Бир гуноҳдин йиғладилар уч юз йил Одам Ато,  
Кунда юз минг журм этиб, қилғон пушаймонинг қани?

Шоира диний ривоятларга кўра Одам Атонинг бир гуноҳи учун жаннатдан қувилганлигига ва шу гуноҳи учун пушаймон бўлиб уч юз йил йиғлаганлигига ишора қилиб, “ўз гуноҳларининг беададлиги”дан сўз очади. Тасаввуф фалсафасига кўра, амалга оширилмаган бўлса ҳам, лекин хаёлдан кечган ҳар қандай ёмон ўй, нафс истакларига мойиллик, Яратганининг ҳукмига мос келмайдиган бирор бир фикр, унинг қудратига иштибоҳ билан қараш, бировга ёмонлик соғиниш кабилар ҳам гуноҳ саналади. Муаззамхон ана шундай гуноҳлардан сўз очади.

Сен ўзинг уйқудадирсан, жон берарда, уйқудин,  
Уйғонурсан кўз очиб, бунда уйғонғонинг қани?

Ғофиллик ва бедорлик тушунчалари мумтоз шеъриятда катта ўринни ишғол этади. Ғофилликнинг биринчи белгиси турмуш икир-чикирлари билан андармон бўлиб, Худо олдидаги оддий бандалик бурчларини ўтай олмасликда кўринади. Мол-дунё илинжида, нафс кўйида “бедор” юрмоқ ҳам ғофиллик саналади. Бедорлик ҳам, ғофиллик ҳам кенг фалсафий мазмунга эга тушунчалардир. Мумтоз шеъриятда инсонга ана шу тушунчалар ўлчовида баҳо берилади. Шоира бир байтнинг ўзида ҳиссий кечинмани кучайтириш мақсадида “уйқу” калимасини уч марта такрорлайди: “уйқудадирсан”, “уйқудан уйғонурсан”, “уйғонғонинг қани”. Жон чиқар дам (“жон берарда”)гача уйқуга фарқ бўлмоқ гумроҳликдан нишондир. Гумроҳлик ҳам ғофилликнинг бир кўриниши. Шу боис шоира

имоний бутунликка, рухий покликка даъват этади. Шоира поэтик фикрини бандлар оша тадрижан тараккий эттира боради:

Бандаман дерсан худоға тилда ёлғон эл аро,  
Банда бўлсанг, Тангридан кўрқиб уёлғонинг қани?

Бандалик оддий фарзларни адо этишдангина иборат эмас. Бандалик бу - ўзликни англаш демак. Шоира назарича, уят ҳиссидан маҳрумлар ўзликни англаш саодатидан бебаҳра.

Жонда йиғдинг молу пул жонингни қадрин билмадинг,  
Қилғонинг қолди бари, ўзингга олғонинг қани?

Андалибдек, эй Муаззам, доду фарёддин на суд,  
Ёз ўтиб, вақти хазон келди, гулистонинг қани?

Ғазал бошдан охир мустаҳкам силсилани ташкил этади. Бир мисра иккинчи мисрага, бир байт иккинчи байтга узвий боғланади ва аста-секин ўқувчини моҳият сари етаклайди. Поэтик фикр шу тарика маромига этади.

Муаззамхоннинг аксарият ғазаллари мақтаъсида қандайдир ўкинчлар, армонлар, ғуссалар нафаси уфуриб туради. Буларнинг бари шоира ҳаёт йўлининг чигалликларидан, машаққатларидан туғилган бўлса, ажаб эмас.

Муаззамхоннинг юқоридаги ғазали инсонни ўз турмушида ҳар қандай гуноҳ ишлардан тийилишга даъват этади. Дили ва тили бошқа бўлган кишилар дўзах азоби билан огоҳлантирилади. Инсоннинг ҳаётда яшашдан мақсади яхшилик қилиш эканлигини ёдга солади.

## REFERENCES

1. Қодирова М. Шоира Муаззамхон. – Тошкент. Фан, 1992 й, 72 бет.
2. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият. Тошкент. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990 й.
3. Ҳаққулов И. Тасаввуф сабоқлари. Бухоро. Бухоро давлат университети нашриёти, 2000 й.
4. Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. Тошкент, “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1998 й.
5. Hasanov, A. (2022). Linguopoetics of Means of Imagination in Literary Text. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 2(6), 224-226.
6. Khasanov, A. (2018). Artistic Repetition and Artistic Meaning. Eastern European Scientific Journal, (6).
7. Hasanov, A. A. (2022). PRAGMALINGUISTIC AND LINGUOPOIETIC ANALYSIS OF IRONY. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(09), 325-328.
8. Hasanov, A. (2023). STUDY OF SYNONYMS IN LINGUISTICS. Open Access Repository, 9(3), 207-212.
9. Akramov, S., & Hasanov, A. (2022). The Position Of The Determiner In Sentence Construction. Journal of Positive School Psychology, 6(11), 2768-2777.

10. Hasanov, A. A. (2022). LITERARY-CRITICAL AND LINGUISTIC ANALYSIS OF A WORK OF ART. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(09), 317-319.
11. Xasanov, A. A. (2023). RESEARCH ON LINGUISTIC UNITS THAT IMPLEMENT THE NATIONAL CONCEPTOSPHERE IN UZBEK LINGUISTICS. *Gospodarka i Innowacje.*, 35, 465-469.
12. Xasanov, A. A. (2023). STUDY OF LINGUISTIC UNITS REPRESENTING THE NATIONAL CONCEPTOSPHERE IN UZBEK LANGUAGE. *Gospodarka i Innowacje.*, 35, 479-484.
13. Barno, S., & Xasanov, A. (2023). PAREMIOLOGIK LINGVOKULTURTEMALARDA PAZANDACHILIK NOMLARI. *PEDAGOGS jurnali*, 31(4), 4-9.
14. Ҳасанов, А. А. (2023). КИНОЯНИНГ ПРАГМАЛИНГВИСТИК ВА ЛИНГВОПОЭТИК ТАҲЛИЛИ. *Science and innovation*, 2(Special Issue 5), 299-302.
15. Hasanov, A. (2023). NAZAR ESHONQUL IJODIDA KINOYANING BADIYUSLUBIY XUSUSIYATLARI. *Science and innovation*, 2(Special Issue 5), 209-211.
16. Olimqulov, Y., Xo‘shboqova, M., & Hasanov, A. (2022). METHODOLOGICAL QUESTIONS OF THE NATURAL GEOGRAPHICAL REGION OF THE TERRITORY OF UZBEKISTAN. *Science and Innovation*, 1(6), 114-118.
17. Hasanov, A. (2022). NAZAR ESHONQUL HIKOYALARIDA MUBOLAG‘A VA KICHRAYTIRISH.
18. Hasanov, A. (2021). SEMANTIC-ASYMMETRIC INTERPRETATION OF THE “FOOD” FRAME (Using synonymy as an example).